

# **«AVIASOZLAR DEHQON BOZORI»**

## **Акциядорлик жамияти**

**«AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» Акциядорлик жамиятида**

**«Йирик битим тузиш» масаласи бўйича махсус саволни**

**текшириш юзасидан**

## **АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ**

**Тошкент 2020 йил**

«AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» Акциядорлик жамиятида «Йирик битим тузиш»  
масаласи бўйича махсус саволни текшириш юзасидан

## АУДИТОРЛИК ХИСОБОТИ

2021 йил 6 март

Тошкент шаҳри

### 1. Кириш қисми

#### АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ:

Аудиторлик ташкилотининг тулик номи:	Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «IQTIDOR-AUDIT-INFORM» аудиторлик ташкилоти (Кейинги ўринларда – Аудиторлик ташкилоти)
Юридик ва почта манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Кушбеги кўчаси 18, тел: 250-60-64.
Давлат руйхатидан утказилганлиги тўғрисида маълумот:	Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ГУВОХНОМА № 371 2013 йил 28 июнда берилган
Аудиторлик фаолияти учун лицензия:	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 12 апрелда берилган АФ.00814-сонли "Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви" ўтказиш учун Лицензия
Банк реквизитлари:	Хисоб рақами: 20208000204708021001 «DAVR-BANK» АТБ Чиланзор филиали, МФО-01046, ИНН: 206952776, ИФУТ(ОКЭД) 69201.
Аудиторлик ташкилоти директори:	Назиркулов Фахриддин Козимжанович, Аудитор малака сертификати: № 05553, 2019 йил 12 июлда берилган.
Аудиторлик текшируви раҳбари:	Назиркулов Фахриддин Козимжанович, Аудитор малака сертификати: № 05553, 2019 йил 12 июлда берилган.
Аудиторлик текшируви учун асос:	2021 йил 4 мартдаги 16- сонли шартнома.

#### ТЕКШИРИЛАЁТГАН ТАШКИЛОТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ:

Таъсис хужжатларига текширилаётган ташкилотининг номи:	кўра тулик «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» Aksiyadorlik jamiyati (кейинги уринларда жамият)
Юридик ва почта манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Бешарик кучаси 1 уй.
Банк реквизитлари:	Хисоб рақами: 20208000703983185001 ТИФ «МИЛЛИЙ БАНК» Хамза филиали, МФО: 00847.
Статистик хос рақамлари:	КТУТ: 17249368, ИФУТ(ОКЭД): 68201, МШ: 144 ТХШ: 1150, ИНН: 202788871.

## **I. Кириш қисми.**

Махсус саволни текшириш бўйича аудиторлик ҳисоботи «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» АЖ таъсисчиларига йўлланган.

Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «IQTIDOR-AUDIT-INFORM» аудиторлик ташкилоти билан «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» АЖ ўртасида 2021 йил 4 март куни тузилган №16 сонли шартномага асосан «IQTIDOR-AUDIT-INFORM» аудиторлик ташкилоти аудитори Ф.К.Назиркулов (2019 йил 12 июлда берилган 05553-сонли малака сертификатига эга) томонидан, «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» АЖнинг бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан бирга «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» АЖ томонидан «Муниципал активларни бошқариш маркази» давлат унитар корхонасига ўтказиб берилишини қонунийлигини аудиторлик текширувидан ўтказилди.

**Махсус саволнинг тавсифи.** Яшнаобод туманида жойлашган «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» АЖнинг шаҳобчалари, бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан бирга «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» АЖ томонидан «Муниципал активларни бошқариш маркази» давлат унитар корхонасига ўтказиб берилишининг қонунийлиги бўйича аудиторлик таҳлили ўтказилди.

Аудитга тақдим этилган ҳужжатларни тўғри тузилганлиги маъсулияти ҳужжатларни тақдим этган «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» Акциядорлик жамияти раҳбарияти зиммасига юклатилган. Бизнинг вазифамиз тақдим этилган ҳужжатлар асосида «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» Акциядорлик жамияти томонидан «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» АЖнинг шаҳобчалари, бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан бирга «Муниципал активларни бошқариш маркази» давлат унитар корхонасига ўтказиб берилишига тўғри баҳо беришдан иборат.

Аудиторлик текшируви учун тақдим этилган молиявий ҳужжатларнинг тўғрилиги учун хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти тўла жавобгар ҳисобланиб, аудиторлик ташкилоти махсус саволни текшириш натижалари бўйича ўз ҳисоботи учун жавобгар ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» Aksiyadorlik jamiyati директори Қувонов Шавкат Турдиевич хабардорлигида ва бош ҳисобчи Ибрагимова Гульноза Тулкуновналарнинг шахсан иштирокида ўтказилди.

### **Текшириш учун тақдим этилган ҳужжатлар.**

1. «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» Акциядорлик жамияти УСТАВИ.
2. «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» АЖнинг барча асосий воситалари унинг шаҳобчалари, бино ва иншоотларини акс эттирилиши бўйича бухгалтерия ўқити маълумотлари.

## **II. Таҳлилий қисм**

### **Текширилаётган объектнинг ҳуқуқий асослари.**

«AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» Aksiyadorlik jamiyati Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши тўғрисида» Қонунига асосан ва жамият таъсисчиларининг 2014 йил 24 июлдаги таъсис йиғилиши баёнига асосан ташкил этилган.

«AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» АЖ нинг янги таҳрирдаги УСТАВИ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2014 йил 6 августда давлат рўйхатидан ўтказилган. Жамиятга 2014 йил 6 августда № 000144 сонли «Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида» ги гувоҳнома берилган.



Асосий фаолият тури (ИФУТ) 68201 - «Савдо расталари ва майдонларини ижарага бериш».

«AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» АЖ УСТАВИнинг 5.5. бандига кўра Устав жамгармаси 1 080 000 000 (Бир миллиард саксон миллион) сўмни ташкил этади ва номинал қиймати 1200(бир минг икки юз) сўм булган 900000 (Туккиз юз минг) дона оддий эгаси номи ёзилган акцияларга булинган, улардан 100 фоиз акциялар жойлаштирилган.

№	Таъсисчи	Улуш % да	Акциялар сони	Акциялар сўммаси
1	Тошкент шаҳар Ҳокимлиги	88,74%	798662	958394400
2	Юридик ва жисмоний шахслар улуши	11,26%	101338	121605600
	<b>Жами:</b>	<b>100%</b>	<b>900000</b>	<b>1080000000</b>

Жамиятнинг аудит таҳлиliga такдим этилган баланс ҳисоботи ва олдинги аудиторлик текширувлари маълумотларига кўра жамиятнинг устав жамгармаси тўлиқ шакллантирилган.

**Яшнаобод туманида жойлашган «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» АЖнинг шахобчалари, бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан бирга «AVIASOZLAR DEHQON BOZORI» АЖтомонидан «Муниципал активларни бошқариш маркази» давлат унитар корхонасига ўтказиб берилишининг (йирик битим) қонунийлиги буйича аудиторлик таҳлили.**

Махсус саволни текшириш буйича аудиторлик таҳлили қуйидаги меъёрий ҳужжатларга асосан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 а прелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги “Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорлари ва савдо комплексларининг самарасиз фойдаланилаётган мулкларидан келгусида оқилона фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 34-сонли сонли қарори;
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни;
4. №80 сонли «Махсус саволни текшириш буйича аудитор ҳисоботи» деб номланувчи Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолияти миллий стандарти (АФМС);

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 а прелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига Ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 февралда қабул қилинган) 223-І-сонли Қонунининг 84 моддасига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

Йирик битим тузиш масаласи буйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.



Йирик битим жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташки аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги “Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорлари ва савдо комплексларининг самарасиз фойдаланилаётган мулкларидан келгусида оқилона фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 34-сонли сонли қарорига мувофиқ, Яшнаобод туманида жойлашган “AVIASOZLAR DEHQON BOZORI” АЖ нинг қуйида жадвалда келтирилган шаҳобчалари бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан бирга “AVIASOZLAR DEHQON BOZORI” АЖ томонидан “Муниципал активларни бошқариш маркази” давлат унитар корхонасига ўтказиб бериш юзасидан йирик битим тузиш тўғрисида кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли сонли қарорига кўра ўтказиб берилаётган мол-мулклар баланс қийматида давлатга ўтказиб берилиши белгиланган.

Аудиторлик таҳлилига тақдим этилган бухгалтерия учёти маълумотларига кўра ўтказиб берилаётган мол-мулклар (йиғма) қиймати қуйидагича бўлган.

Т/р	Шаҳобча номи ва манзили	Умумий майдони (қв.м)	Бино ва иншоотлар майдони (қв.м.)	Шаҳобчаларнинг баланс қиймати (сўмда)
1	"Паркент" шаҳобчаси (Паркент кўчаси, 74-уй)	2 651	2211	322456599
2	"Янгиобод" шаҳобчаси, (Паркент ва Бешарик кўчалари кесишуви)	10 537	4260	17042860800
3	"Гулбоғ" шаҳобчаси (Авиасозлар кўчаси)	2 366	615	605110
4	"Уйсозлар" шаҳобчаси (Оханграбо кўчаси, 1 уй)	787	353	567177
5	"Шумилова" шаҳобчаси (Кўприкли кўчаси)	1 696	251	95296
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>18 037</b>	<b>7 690</b>	<b>17 366 584 982</b>

Аудитга тақдим этилган 2021 йил 20 январда ўтказилган 1 сонли Жамият Кузатув Кенгаши аъзолари қарорига 8 нафар кузатув кенгаши аъзоларидан 6 нафари имзоси қўйилган. Йиғилиш баёни 2 бандига асосан йирик битимларни жамият умумий йиғилиш кун тартибига қўйиш белгиланган.

### III. Якуний қисм.

#### Махсус саволни текшириш юзасдан ХУЛОСА.

Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларининг 2021 йил 21 январдаги 1 сонли қарори Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Қонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 18 февралда қабул қилинган) 223-І-сонли Қонунига мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги “Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорлари ва савдо комплексларининг самарасиз фойдаланилаётган

мулкларидан келгусида оқилона фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 34-сонли сонли қарорига мувофиқ, Яшнаобод туманида жойлашган “AVIASOZLAR DEHQON BOZORI” АЖнинг шаҳобчалари, бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан бирга “AVIASOZLAR DEHQON BOZORI” АЖ томонидан “Муниципал активларни бошқариш маркази” давлат унитар корхонасига баланс қийматида ўтказиб берилиши баҳоловчи корхоналар баҳолаш хулосаларини инобатга олган ҳолда ҳамда умумий йиғилиш қарорига асосан баланс қийматида ўтказиб берилиши Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига мувофиқ келади.

**МЧЖ «IQTIDOR-AUDIT-INFORM»**  
аудиторлик ташкилоти директори:

Аудитор:



*Handwritten signature of Nazirkulov F.K.*

Назиркулов Ф.К.

*Handwritten signature of Nazirkulov F.K.*

Назиркулов Ф.К.